

(1823-1864)

(1856-1864)

Хива хони. Кўнгиротлар сулоласидан. Мухаммад Рахим И нинг ўгли, Мухаммад Рахим ИИ -Ферузнинг отаси. Унинг даврида Хивадаги ички низоларга барҳам берилган, хонликда тинчлик-осойишталик барқарор топган. Сайид Мухаммадхон 1858-йил Хивага келган Н.П. Игнатев миссиясини қабул қилган. Шу йили 28 августда Хивада рус элчихонаси очилган. 1863-йил венгер сайёҳи Г.Вамбери ҳам Сайид Мухаммадхон қабулида бўлган. Сайид Мухаммадхон даврида Хивадаги Кўхна арк саройидаги кўринишхона қайта тикланган ва унинг шипи, айвон устуни хоразмча нақшлар билан безатилган. 1859-йилда Хиванинг Дишан қалъа қисмида, Нуруллабой боғида янги кўринишхона қуриб битказилган. Огаҳий “Гулшани давлат” тарихий асарида Сайид Мухаммадхоннинг хонлик даврини таърифлаган. Сайид Мухаммадхон хонликни бошқаришда бошқа давлатлар, айниқса, Россия билан муносабатларида ўзини мустақил ва тенг ҳуқуқли давлат ҳукмдори сифатида тутган. Сайид Мухаммадхоннинг жасади Хивадаги Саид Моҳи рўйи жаҳон (Саид Маҳрўйжон) макбарасига қўйилган.